

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
“АХБОРОТ СОАТЛАРИ” № 19-2017**

Ҳафтанинг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалари (23-28 январь кунлари)

I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

ЗАМОНАВИЙ, ҚУДРАТЛИ АРМИЯ – ТИНЧ-ОСОЙИШТА

ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 26 январь куни Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Мудофаа вазирлиги раҳбарияти билан йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида белгиланган вазифалар ижросининг бориши муҳокама қилинди, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахбороти тингланди.

Давлатимиз раҳбари хавфсизлик соҳасига оид қонунчилик самарадорлигини юксалтириш, Қуролли Кучлар ташкилий тизимини янада такомиллаштириш, унинг шахсий таркибини тайёрлаш, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланганлик даражасини янада оширишга қаратилган аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш, шу жумладан, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун замонавий уй-жойлар куриш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юртдошларимизда Ватан тақдири учун масъулият туйғусини янада юксалтириш каби муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Йиғилишда ҳукумат аъзоларига, вазирлик ва идоралар раҳбарларига Қуролли Кучларимиз қудратини ошириш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, миллий армиямиз ва халқимиз яқдиллигини бунданда мустаҳкамлашга доир аниқ топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур билим юртида курсантлар учун яратилган шароитлар билан ҳам танишди.

Медиа-ҳафталик: мамлакатимизда ижтимоий соҳани янада ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари муҳокама қилинди

Пойтахтимиздаги «International Hotel Tashkent» меҳмонхонасида давом этаётган медиа-ҳафталик доирасида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасида белгиланган мамлакатимизда ижтимоий соҳани янада тараққий эттириш масаласи қизгин муҳокама қилинди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳа экспертлари, вазирликлар, давлат ва

жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси З.Низомхўжаев, иқтисодиёт вазири ўринбосари Д.Турдиев, молия вазири ўринбосари М.Мирзаев, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Э.Боситхонова, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси ўринбосари М.Шодиев ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб жой олишига, аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётига дастуриламал бўлиши мўлжалланаётган Ҳаракатлар стратегиясининг ҳаётимизга татбиқ этилиши давлатимиз ва жамиятимиз ривожини янги босқичга кўтаради.

Ушбу муҳим ҳужжат лойиҳасида мамлакатимизда ижтимоий соҳани янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларига алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра яқин келажакда одамларнинг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириб бориш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, замонавий, қулай ва арзон уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли дастурларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани модернизация қилиш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини янада бойитиш бўйича кўплаб ислохотларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Аҳолининг фаровон ҳаётини таъминлаш мақсадида нафақат энг кам ойлик иш ҳақи, балки бюджет ташкилотларида ҳам, хўжалик юритувчи субъектларда ҳам ўртача иш ҳақи миқдори, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажми босқичма-босқич кўпайтириб борилади.

2017 йилда мамлакатимиз қишлоқ массивларида 15 мингга арзон, замонавий, шинам уй-жой бунёд этилади. Янги қурилаётган уй-жой массивларида давлатимиз ресурслари ҳисобига 415,3 километр сув, 291,5 километр электр энергияси, 316,9 километр газ тармоқлари, 260,3 километр йўллар, 134 ижтимоий инфратузилма объекти барпо этилади.

2016-2020 йилларда мамлакатимиз фармацевтика саноатини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, янги фармацевтика корхоналарини ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилишга доир 67 инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу аҳоли ва тиббиёт муассасаларида эҳтиёж юқори бўлган импорт ўрнини босадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришни 2,5 баробар ошириш имконини беради.

– Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасида янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг, аввало, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида қатор таклифлар илгари сурилган, – дейди Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги эксперти Ботир Алимухаммедов. – Ёшларни ўқувчилик давридаёқ касб-хунар ва

тадбиркорликка ўргатиш, уларнинг амалиёт ўташини қатъий тартибга солишдан тортиб ўз бизнесини бошлаши учун пул-кредит билан таъминлашгача бўлган жараёни ўз ичига олувчи янги тизим ишлаб чиқилмоқда. Зеро, ёшлар ишли, ҳунарли бўлса, эзгу мақсадлар томон дадил кадам ташлайди, мамлакатимиз тараққиёти илдамлайверади.

Тадбирда соҳа мутахассислари аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, соғлиқни сақлаш соҳасини, жумладан, шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан берилган саволларга жавоб қайтарди.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ – БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ САРИ

Тошкентда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ташқи ишлар ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда вазирлик ва идоралар, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбар ва вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Жавлон Ваҳобов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан Приснер ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада кўтаришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси мамлакатимизда барча соҳаларни либераллаштириш ва модернизациялаш, амалга оширилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш каби кенг кўламли ислохотларни ҳаётга изчил татбиқ этишни кўзда тутди. Унда давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, минтақамизда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини ривожлантириш, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада ошириш, хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни кучайтириш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни юритиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Анжуман иштирокчилари мамлакатимизда миллатлараро бағрикенглик, аҳиллик муҳити қарор топганини алоҳида таъкидлади. Амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасида миллий иқтисодиётимиз жадал

ривожланаётгани, барча соҳаларда йўлга қўйилган халқаро ҳамкорлик, ҳаётга татбиқ этилаётган қўшма лойиҳалар ўзининг юксак самараларини бераётгани қайд этилди.

– Тадбир халқаро ташкилот, дипломатик миссия ва ваколатхоналар раҳбарлари, қўшма корхоналар вакиллари билан журналистларнинг юзма-юз мулоқоти учун қулай имконият яратди, – деди Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Винод Кумар. – Мамлакатингизнинг келгусидаги беш асосий стратегияси билан танишдик. Мазкур устувор йўналишлар Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлишига ишонамиз.

Халқаро давра суҳбатида хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар, иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга оид мавзуларда маърузалар тингланди, бу борада халқаро тажриба ҳақида фикр алмашилди.

Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси чуқур муҳокама этилиб, таклиф ва тавсиялар билдирилди.

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ВЕБ-САЙТЛАРНИНГ ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ва глобал интернет тармоғида фаолият кўрсатаётган миллий веб-ресурслар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш» мавзуида тадбир ташкил этилди.

Турли вазирлик ва идораларнинг ахборот хизматлари ходимлари иштирокида ўтказилган йиғилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари ҳамда юртимизда фаолият юритаётган миллий веб-порталлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари, соҳага оид янгиликлар, мавжуд долзарб масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар мамлакатимизда барча турдаги медиа тузилмалар сингари интернет нашрларни раванқ топтириш масаласи доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимиз интернет тармоғида фаолият кўрсатаётган веб-сайтларнинг аксарияти ахборотни шакллантириш ва тарқатиш характеридаги медиа тузилмалардир. «Uz» доменида 30 мингга яқин веб-сайт бўлиб, уларнинг 395 таси интернет оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бутунжаҳон глобал тармоғидан фойдаланувчилар сони йил сайин ортиб бораётган бир пайтда веб-сайтлар

фаолиятини давр руҳига ҳамоҳанг такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонуни нормаларининг амалиётга татбиқ этилаётгани аҳоли, медиа тузилмалар, жамоат ташкилотларининг давлат органлари ахборот манбаларидан кенг фойдаланиши имконини яратди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган аҳоли билан доимий мулоқот ўрнатиш, фуқароларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усуллари жорий этишни талаб этмоқда.

Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ахборот хизматлари ишини такомиллаштириш, улардаги ходимларнинг касбий салоҳиятини юксалтириш юзасидан туркум ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказилмоқда. Жамоат фонди муассислигида ташкил этилган «telegraf.uz» ахборот-таҳлилий порталида мамлакатимиз ҳаётига оид таҳлилий мақолалар жойлаштирилмоқда. Мазкур портал ёрдамида жамоатчилик, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари матбуот хизматлари билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш учун «Очик мулоқот» рукни ташкил этилган.

Тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари салоҳиятини янада юксалтириш, бунда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва интернетнинг кенг имкониятларидан унумли фойдаланиш юзасидан таклифлар билдирилди.

II. ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

АҚШ КОНГРЕССИДА ТРАМПНИНГ РОССИЯ БИЛАН АЛОҚАСИНИ ТЕКШИРИШГА ЧАҚИРИШДИ

АҚШ конгрессининг демократлар фракцияси раҳбари Нэнси Пелоси Федерал қидирув бюроси (ФҚБ)ни президент Дональд Трампнинг Россия билан алоқаларини текшириб кўришга чақирди. «Мен русларнинг Трампда нимасини борлигини билмоқчиман. Биз Россия билан молиявий, шахсий ва сиёсий алоқаларига доир тергов олиб боришимиз керак. Биз солиқ декларацияларини кўришни хоҳлаймиз», — деган Пелоси.

Аввалроқ, АҚШдаги Россия-Америка савдо палатаси раҳбари Сергей Миллиан The Wall Street Journal таҳририятига мурожаат қилиб, АҚШ президентига нисбатан тўпланган фош қилувчи маълумотлар манбаларидан бири эканига доир мақолани сайтдан олиб ташлашни талаб қилган эди.

САРАТОН КАСАЛЛИГИГА УЧРАМАЙДИГАН ЯГОНА ХАЛҚ ВА УЗОҚ УМР КЎРУВЧИ ХУНЗАКУТЛАРНИНГ СИРИ НИМАДА?

Хунзакутлар — Ҳимолайда яшовчи, узоқ умр кўрувчи халқ.

Оғир парҳезлар, спортзал абонементлари, сеҳрли дори-дармонлар — замонамиз кишилари узоқ умр кўриш ва ёшликни узайтириш учун нималар қилишмайди дейсиз. Универсал эликсир кашф қилингунга қадар турли усуллардан фойдаланишга тўғри келади, лекин улар ҳар доим ҳам самара беравермайди. Эҳтимол, Ҳимолай аҳолиси бундай муваффақият сирини билар. Цивилизациядан узоқда яшовчи маҳаллий аҳоли ёш ва тетик кўринади, 100 ёшли юбилейларини нишонлайди ва тадқиқотчиларни инсон саломатлиги учун зарур ҳамма нарса табиатда мужассам эканлигига ишонтиради.

Узоқ умр кўрувчи сирли қабила хунзакутлар номини олган, чунки уларнинг яшаш жойи Хунза дарёси қирғоғида жойлашган. Европаликлар бу кишилар ҳақида XX асрнинг бошларида инглиз шифокори Мак-Каррисондан эшитишган. У тоғларда истикомат қилувчи халқларга ёрдам бериш учун Ҳиндистонга кетган. Унинг кузатувларига кўра, касалликлардан жабрланмаган ягона халқ ўзига хос ҳаёт тарзини кечирувчи ва соғ-саломатлиги билан ажралиб турувчи хунзакутлар бўлган.

Қабила ҳаёти ҳақида батафсил билиш мақсадида французлар хунзакутларга тадқиқот экспедициясини жўнатишган. Европаликларни очик чеҳра билан қарши олишган. Олимлар аҳолини рўйхатдан ўтказиш вақтида ўз хайратларини яшира олишмаган: 20 минг хунзакутнинг аксарияти узоқ умр кўрувчи кишилар бўлган. Уларнинг оқсоқоли 120 ёшда бўлса, баъзилари ундан ҳам катта бўлган!

Бу ерда яшовчи кишиларнинг узоқ умр кўриш феноменини аниқлаш қийин бўлмаган. Олимлар уларнинг ҳаёт тарзи ва нима билан озикланишларини ўрганишган. Маълум бўлишича, экологик соф муҳит, хотиржамлик ва ортиқча ҳаяжонланмаслик, мунтазам жисмоний ҳаракатлар ва «тўғри» овқатланиш маҳаллий халқ саломатлигига ижобий таъсир кўрсатган. Уларнинг рационал асоси мевалар (кўпроқ ўриклар), сабзавотлар, донли экинлар ва бринзадан иборат бўлган. Хунзакутлар баҳорда — янги ҳосил мева бергунга қадар парҳез қилишади, унғача эса асосан қуритилган ўрикдан шарбат тайёрлаб ичишади.

Дунёга хунзакутлар ҳақида маълумот берган шифокор Мак-Каррисон ажойиб тадқиқот ўтказди. У маҳаллий аҳоли рационал фойдасини ўрганишга қарор қилди ва буни 1200 каламушда синаб кўрди. У тажрибадаги кемирувчиларни уч гуруҳга ажратди: каламушлар европаликлар парҳези, ҳиндулар парҳези ва хунзакутлар парҳезига кўра озиклантирилди. Маълум бўлишича, каламушларнинг биринчи гуруҳи тажовузкор ва ғазабнок бўлиб қолган, иккинчи гуруҳдагиларда ҳиндуларга хос бўлган касалликлар кузатилган, учинчи гуруҳ каламушлари эса ўзларини жуда яхши ҳис қилишган, шодон ва фаол ҳаёт кечиритилган.

1977 йилда француз шифокорлари томонидан олиб борилган яна бир кузатув диққатга сазовордир. Дунёнинг барча минтақаларидаги кўплаб

одамлар саратон натижасида ҳаётдан кўз юмаётган бир пайтда хунзакутлар онкологик касалликларга учрамаган ягона халқ дея тан олинган.

АМЕРИКАЛИКЛАР КИМНИ ЭНГ АСОСИЙ ДУШМАН ДЕБ ҲИСОБЛАШИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Америкаликлар Шимолий Корея ва Эронни АҚШга нисбатан энг душман кайфиятдаги мамлакатлар, Канада ва Буюк Британияни иттифоқдош мамлакатлар сифатида қайд этишди. Бундан YouGov компанияси томонидан ўтказилган сўров натижалари дарак бермоқда.

Тадқиқот иштирокчилари АҚШнинг дунёдаги 144 мамлакат билан муносабати ҳақида ўз фикрларини билдиришди. Ҳар бир респондент рўйхатдан тасодифан танлаб олинган 15 давлатни тўрт йўналиш: «иттифоқчи», «дўстона», «нодўстона» давлат ёки «душман» деб белгилаб чиқишлари лозим бўлди.

Шимолий Кореяни сўровдан иштирок этганларнинг 57 фоизи АҚШнинг бош душмани деб атаган бўлса, Техроннинг Вашингтонга нисбатан душманлигини 41 фоиз респондентлар эътироф этишди.

Россия АҚШнинг «душманлари» рўйхатида олтинчи ўринни эгаллади. Хитойни эса «нодўстона» деб 34 фоиз кишилар тилга олди.

Канада ва Буюк Британия энг кўп ижобий баҳони олди: респондентларнинг 55 фоизи бу давлатларни АҚШнинг иттифоқчилари деб тан олишди.

Сўровнома 28 январь-1 февраль куни 7 минг америкалик ўртасида ўтказилди. Натижаларда хато чиқиш эҳтимоли 1,5 фоиз пунктини ташкил этади.

СТОУН ТРАМПНИ УКРАИНАДАГИ МОЖАРОЛАРГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШГА ЧАҚИРДИ

Америкалик машҳур кинорежиссёр Оливер Стоуннинг фикрича, АҚШ президенти Дональд Трамп Украина можаросига доир махфий маълумотларни ошкор қилиши керак. Режиссёр Россиянинг биринчи каналидаги «Воскресное время» дастурида шундай фикрни билдирган.

Унинг фикрича, америкаликлар вазиятнинг ҳақиқий аҳволини билишмайди. «Агар мен президент Трамп бўлганимда, Украина бўйича барча маълумотларни ошкор қилган бўлар эдим. Сурия бўйича ҳам, аммо биринчи бўлиб Украинани, чунки айнан шу ердан янги совуқ уруши бошланади», — деган режиссёр.

Стоун Америка юқори доираларининг гўёки Россия «Кримни босиб олгани, Донбассга ҳарбийларини юборгани ва умуман Украинага таҳдид солаётгани» ҳақидаги иддаоларини «эртак» деб баҳолади. Режиссёрга кўра, замонавий воқеликлар, шу жумладан Украина можароси ортида Америка Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ) турибди. Украина «совуқ урушнинг бошиданок уларнинг нишони бўлган эди», — деган Оливер Стоун.

Стоуннинг таъкидлашича, Вашингтонга уруш бошлаш учун чуқур ўйланган баҳона керак.

«Бу аҳмоқлик. АҚШга қўрқув керак, душман керак ва битта эмас. Менимча, Америка қудрати душманлар асосида қурилади, чунки бу бойлик келтиради», — дея хулоса қилган режиссёр.

Америка киноакадемиясининг юксак мукофоти «Оскар»нинг уч карра совриндори Оливер Стоун «Уолл Стрит: Пуллар ухламайди», «Эгизак бинолар», «Жон Ф. Кеннеди: Далласдаги фожиа» каби фильмларни суратга олган. У жиддий сиёсий мавзуларда фильмлар суратга олиши билан машхурдир.

Стоун 2016 йилда «Украина олов домида» номли ҳужжатли фильмини тақдим этди. Унда 1941-2014 йилларда ушбу мамлакатда рўй берган воқеалар ҳикоя қилинган. Картинада, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши даврида фаолият юритган миллий ҳаракатлар ҳақида ҳикоя қилади.

Материалларни тайёрлашда республика ОАВ хабарларидан фойдаланилди.